

# Photoshop курси бўйича амалий машғулотлар тўплами 3




## 11-ДАРС. ҲАРАКАТЛАНИШ ЭФФЕКТИ.

**1-қадам.** Ҳаракатланиш эффектини қўшмоқчи бўлган тасвирингизни очинг. Фон қатламини <Ctrl+J> тугмалари бирикмаси ёрдамида иккилантинг.



**2-қадам.** **Filter** (Фильтр) менюсига ўтиб, **Blur > Motion Blur** (Ювилиш > Ҳаракатдаги ювилиш) буйруғини танланг. Очилган мулоқот ойнасида **Angle** (Бурчак) параметрида ҳаракатланиш эффектини жорий қилмоқчи бўлган йўналишни белгилаб қўясиз (ушбу ҳолатда биз горизонтал йўналиш учун  $0^{\circ}$  қийматини белгилаб қўйдик). Бутун бир қаватга ҳаракатланиш эффектини ўрнатиш учун **Distance** (Масофа) параметрига 50 пиксел қийматини беринг ва **ОК** тугмасини босинг.



**3-қадам.** **Eraser** (Ўчиргич) ускунасини жорий қилиб, **Brush Picker** (Мўйқалам танлаш) мулоқот ойнасидан унинг юмшоқ қиррали мўйқаламини танланг. Ювилганлик эффектини фақат орқасида қолдириб самолёт думининг устидан ва пастки қисмларини чизинг. Самолёт сирти яхши кўриниши учун **Layers** (Қатламлар) мажмуасидан ушбу қатлам учун **Opacity** (Нур ўтказмаслик) параметри қийматини 50% гача камайтиринг. Ювилган соҳалар ўчирилгач **Opacity** (Нур




ўтказмаслик) параметрининг  
аввалги 100% лик қийматини  
тикланг ва шунда сиз расмда  
берилганидек эффектни оласиз.


## 12-ДАРС. ИККИ КАРРА НУРЛАНИШ ЭФФЕКТИ.

**1-қадам.** **File > New** буйруқлари ёрдамида


янги ҳужжат яратинг. Асосий рангни танланг (бизнинг ҳолатда бу сабзиранг), <Alt+Backspace> бирлашмасини босиб белгиланган рангни фон қатламига қуйинг. Икки баробар нура сочиш эффектини қўллашингиз керак бўлган объект фототасвирини белгилаб сабзиранг фонга ташланг.



**2-қадам.** **Layers** (қатламлар) мажмуасининг қуйи қисмидаги очилувчи **Add a layer style** (Қатлам стилини қўшиш) менюсидан **Outer Glow** (сиртки нурланиш) буйруғини танланг. Ранг танлаш нишончасини чертинг ва **Color Picker** ойнасида нурланиш рангини оқ рангга алмаштиринг. Очилувчи **Blend Mode** (Аралаштириш режими) рўйхатидан **Normal** ни танланг. **Spread** (Кенгайиш) параметри қийматини 7%, **Size** (Ўлчам) нинг қийматини эса 16 пикселгача ошириб **OK** тугмасини босинг ва ундан кейин нурланиш эффекти ҳосил бўлганини кўринг.




**3-қадам.** <Ctrl+J> клавишлар бирлашмасидан фойдаланиб объект тасвири келтирилган қатламни иккилантинг. Сўнг ушбу иккиланган нусхани **Layers** (Қатламлар) мажмуасида оригинал тасвир тагига тушириб қуйинг. Иккиланган қатлам қаторидаги **Outer Glow** (сиртки нурланиш) ёзувини чертинг. Пайдо бўлган мулоқот ойнасида нурланиш рангини ёрқин-сарик рангга ўзгартириб, **Size** (Ўлчам) параметри қийматини 24 пикселгача оширинг ва **OK** тугмасини босинг. Сарик ранг нурланиши ўлчам жиҳатидан ҳам катталиги боис оқ нурланиш чегарасидан ҳам ўтиб кетади. Бу эса икки карра нурланиш эффектини беради.




### 13-ДАРС. СТИКЕР ЭФФЕКТИ.


**1-қадам.** Янги ҳужжат ва қатлам яратинг. **Rectangular Marquee** (Тўғри бурчакли соҳа) аслаҳасини танлаб <Shift> тугмачасини ушлаб турган ҳолда сичқонча ёрдамида квадрат соҳани белгиланг. Асосий ранг сифатида сариқни танланг ва <Alt+Backspace> клавишлари ёрдамида белгиланган соҳани бўянг. Яна битта квадрат соҳани белгиланг, лекин буниси сариқ квадратдан каттароқ бўлсин. **Filter** (Фильтр) менюсини очиб **Distort > Shear** (Бузиш > Букиш) буйруғини танланг. Чизикни эгиш учун катаклар марказидаги кўрсаткични чап томонга озроқ силжитинг. **OK** тугмачасига чертиб катта квадрат белгини олиб ташланг (<Ctrl+D>).



**2-қадам.** <Ctrl+J> тугмалари бирикмасидан фойдаланиб букилган квадрат қатламини иккилантинг. Асосий қилиб қора рангни белгиланг ва <Shift+Alt+Backspace> тугмалари мажмуаси ёрдамида иккиланган қатлам рангини асосий рангга ўзгартиринг. **Layers** (қатламлар) мажмуасида қора қатламини сариқ ранглисига нисбатан пастга туширинг. Тепадаги соясини эгиш учун <Ctrl> тугмасини тутиб турган ҳолда расмнинг юқори марказидаги маркери билан чапга силжитинг, кейин эса қуйида жойлашган маркеридан тутиб ўнг тарафга салгина сурун. **Filter > Blur > Gaussian Blur** (Фильтр > Ювилиш > Гауссо ювилиш) буйруқлари ёрдамида 3 пикселли ювилиш эффектини қўшиб, соя қатламининг **Opacity** (Нур ўтказмаслик) параметри қийматини 65% гача камайтиринг.



**3-қадам.** **Layers** (Қатламлар) мажмуасига ўтиб янги қатлам қўшинг ва <Ctrl> тугмасини тутиб туриб сариқ стикер қатламини чертинг. Асосий ранг сифатида олдиндан оқни танлаб қўйиб **Gradient Picker** аслаҳасини ишга солган ҳолда **Foreground to transparent** градиентини танланг. Ушбу қатлам учун **Opacity** параметри қийматини 60% гача камайтиринг.



## 14-ДАРС. ОБЪЕКТГА ЁЗУВ ЖОЙЛАШ.

**1-қадам.** Ёзув жойламоқчи бўлган объектингизни очинг. **Type** (Ёзув) аслаҳасидан фойдаланган ҳолда керакли ёзувни киритинг. <Ctrl> тугмасини ушлаб турган ҳолда **Layers** (Қатламлар) мажмуасидаги ёзув қатламини чертинг. Очилган контекст менюсидан **Rasterize Layer** (Қатламни растерлаш) буйруғини танланг. **Rectangular Marquee** (Тўғри бурчакли соҳа) аслаҳаси билан ёзув атрофида тўғри бурчакли соҳани белгиланг.



**2-қадам.** Ёзувни яратишда **Shear** (Букиш) фильтри ёрдамида маттни фақат горизонтал йўналишда букиш мумкин. Шунинг учун, ёзувни тубик бўйлаб керакли йўналишга айланттиришдан аввал ушбу фильтрни қўлланг. **Filter > Distort** (Фильтр > Бузиш) менюсига кириб **Shear** (Букиш) буйруғини танланг. Очилган мулоқот ойнасида бўйламасига турган чизикни чертинг ва пайдо бўлган маркерни озгина чап тарафга силжитинг. Букилган ёзув олдиндан кўриш ойнасида тасвирланади. **OK** тугмасини босиб <Ctrl+D> тугмалари ёрдамида белгиланишни олиб ташланг.



**3-қадам.** Энди ёзувни айланттириш мумкин. <Ctrl+T> тугмалари бирикмаси ёрдамида **Free Transform** (Эркин ўлчам) аслаҳасини “чақиринг”. Сичқончани чегараловчи ромчанинг ўнгроқ тарафига олиб боринг ва ёзувни айланиши учун чертиб юқорига олиб чиқиб тубикка жойланг. Ўзгартишларни сақлаш учун <Enter> тугмасини босинг. Шу йўл билан, айланасимон объектга жойланган ёзув эффекти яратилди (“d” ва “i” ҳарфларига эътибор беринг). Ёзув янада ҳақиқий сифатни олиши учун **Opacity** (Нур ўтказмаслик) параметри қийматини 55% гача камайтириш мумкин.




## 15-ДАРС. ТАСВИРГА АНДОЗАДАГИ НАҚШНИ КЎШИШ.


**1-қадам.** Тасвир соҳасига эга бўлган ва стандарт узор билан тўлдирилиши керак бўлган фотосуратни очинг. **Magic Wand** (Сехрли таёқча) аслаҳасини активлаштириб тасвирнинг керакли соҳасини белгиланг (бизнинг ҳолатда соябон қопламасини белгилайсиз). ҳамма соҳасини белгилаш учун <Shift> тугмасини босиб турган ҳолда белгиланмай қолган ерларини чертиб чиқинг. <Ctrl+J> тугмаларини босиб соябон қопламаси тасвирини алоҳида қатламга олиб қўйинг. **Layers** (Қатламлар) мажмуасининг қуйироғидаги **Add a layer style** (Қатлам стилини қўшиш) очилувчи менюсидан **Pattern Overlay** (Нақшни ўраш) буйруғини танланг.



**2-қадам.** **Pattern Picker** (Нақшни танлаш) ойнасини очиш учун нақш намунасини чертинг. Ушбу ойнанинг очилувчи менюсидан **Nature Patterns** (Табиат нақшлари) тўпламини танланг. Очилган мулоқот ойнасида ушбу нақшларни андозадаги тўплагга қўшиш учун **Append** (Қўшиш) тугмасини босинг.



**3-қадам.** **Blue Daisies** (Ҳаворанг ромашкалар) нақшини танланг, гуллар нақши тусини очартириш учун **Blend Mode** (Ўтиш режими) очилувчи рўйхатидан **Color Dodge** (Ранг тусини очиш) ўтиш режимини танланг. Гуллар туси жуда ёрқин бўлиб кетмаслиги учун **Opacity** (Нур ўтказмаслик) параметри қийматини 65% фоизгача камайтиринг. Эффеқтни амалда кўриш учун **OK** тугмасини босинг.




## 16-ДАРС. БИР ТУСДАГИ ШОВҚИН ЭФФЕКТИ.


**1-қадам.** Эффект қўлланилиши керак бўлган суратини очинг (бизнинг ҳолатда бу самолёт расми). <Ctrl+A> тугмалари мажмуаси ёрдамида расмни тўлиқлигича белгилаб олинг ва <Ctrl+Shift+J> тугмалари кетма-кетлигини бажариш билан фотосуратни фон қатлаидан қирқиб олиб алоҳида қатламга ташланг.



**2-қадам.** **Image > Adjustments** менюсидан **Desaturate** (Тўқликни камайтириш) буйруғини танланг. Бу фототасвирни оқ-қора расмга айлантириш имконини беради. **Filter > Noise** (Фильтр > Шовқин) менюсига ўтинг ва **Add Noise** (Шовқин қўшиш) буйруғини танланг. Очилган **Add Noise** (Шовқин қўшиш) мулоқот ойнасида **Amount** параметрига 7% қийматини беринг. **Distribution** (Ажратиш) гуруҳи параметрларидан **Gaussian** (Гауссолик) ўзгартмасини танланг ва **Monochromatic** (Монохромлик) ни белгилаб қўйинг. Охириги амалимиз ҳосил қилинадиган шовқиндан қизил, яшил ва ҳаворанг нуқталарни олиб ташлайди. **OK** тугмасини босинг.




**3-қадам.** **Layers** (Қатламлар) мажмуасининг қуйи қисмда жойлашган **Create new fill or adjustment layer** очилувчи менюсидан **Hue/Saturation** (Тус/Тўқлик даражаси) буйруғини танланг. Очилган мулоқот ойнасида **Colorize** (Тонирование) ни белгилаб қўйинг. Фотосуратга ҳаворанг тус беринг учун **Hue** (Тус) ползуноқини (расмда кўрсатилганидек) 200 қиймати гача силжитинг ва **OK** тугмасини босинг.



## 17-ДАРС. ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЭФФЕКТИ.

**1-қадам.** 0.25x0.25 дюйм (0.64x0.64 см) ўлчамида янги ҳужжат яратинг (**File > New**). **Layers** (Қатламлар) мажмуасида янги қатлам яратинг ва кўз тасвири нишончасини чертиб фон қатламини яшириб қўйинг. Тасвирни белгилаб олиш учун <Ctrl+A> тугмалари мажмуасини эзинг ва **Edit** (Таҳрирлаш) менюсидан **Stroke** (Айлантириш) буйруғини танланг. Қора рангни танланг, **Width** параметри учун 1 қийматини бериб **Location** (Жойлашув) параметрлар гуруҳидан **Center** (Марказ) ўзгартмасини танланг. **OK** тугмасини босинг.



**2-қадам.** **Edit** (Таҳрирлаш) менюсидан **Define Pattern** (Нақшни белгилаш) буйруғини танлаб нақш номини киритинг ва **OK** тугмасини босинг. Юқори технологиялар эффектини қўлламоқчи бўлган фотосуратни очинг. Янги қатлам яратинг, кейин **Edit** (Таҳрирлаш) менюсидан **Fill** (Куйиш) буйруғини танланг. Очилган мулоқот ойнасида **Use** (Фойдаланиш) рўйхатидан **Custom Pattern** нишончасини чертиб, очилган кутубхонадан охирги (ҳозир биз ҳосил қилган) нақшни танланг ва **OK** тугмасини босинг.



**3-қадам.** Аввалги бажарган ҳаракатимиз натижасида тасвирда қора рангдаги катак ҳосил бўлади. Катак ўринларини алмаштириб, рангини оқга бўяш учун <Ctrl+I> тугмаларидан фойдаланинг. **Layers** (Қатламлар) мажмуасида **Opacity** (Нур ўтказмаслик) параметри қийматига 15% қийматини киритиб, оқ катак қатлами учун қатлам ниқобини киритинг. **Gradient** (Градиент) аслаҳасини активлаштириб <Enter> тугмасини босинг ва **Foreground to Background** градиентини танланг. Катак бутунлай шаффоф бўлиб қолиши керак бўлган ерда сичқонча тугмасини босинг, тепага томон суриб бориб катак ҳақиқий кўринишини сақлаб қолиши керак бўлган жойда сичқонча тугмасини қўйиб юборинг.




## 18-ДАРС. ТАЙЁРЛАНГАН ШАКЛГА ТАСВИРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ.


**1-қадам.** Янги ҳужжат яратинг ва **Layers** (Қатламлар) мажмуасининг қуйи қисмидаги **Create a new layer** (Янги қатлам яратиш) нишончасини чертинг. Асосий ранг сифатида қорани танлаб **Shape** (Шакл) аслаҳалари тўпламидан **Rounded Rectangle** (Ёйсимон қиррали тўғри тўртбурчак) аслаҳасини танланг. **Options** (Параметрлар) панелиданинг чап томонидаги учта нишонча жойлашган тўпламдан **Fill Pixels** нишончасини танланг ва бурчакларини айланасимон шаклга келишида ёрдам берадиган **Radius** (Радиус) параметрига 10 пиксел қийматини киритинг. Ёйсимон бурчакли тўғри тўртбурчакни пластик карта шаклида “тортинг”.



**2-қадам.** Пластик карта шаклига жойламоқчи бўлган расмингизни очинг ва **Move** аслаҳаси ёрдамида керакли ўринга жойлаштиринг.




**3-қадам.** Фототасвир қора шакл қирраларига мос тушишини истасангиз <Ctrl+G> тугмаларини босишингиз кифоя. Ушбу тугмалар мажмуаси **Create Clipping Mask** (Обтравкали ниқобни яратиш) буйруғининг аналоги ҳисобланади. Туширилган тасвирни силжитиш учун **Move** (Силжитиш) аслаҳасидан фойдаланинг, бунда расм пластик карта чегарасида қолади.



## 19-ДАРС. ЧАҚМОҚ ОЛОВИ ЭФФЕКТИ.

**1-қадам.** Фон тасвир сифатида ишлатиладиган фотосуратни очинг. **Layers** (Қатламлар) мажмуасига янги қатлам қўшинг. Асосий ранг сифатида қорани танлаб <d> тугмасини босинг. Аслаҳалар мажмуасидан **Gradient** (Градиент) ускунасини танлаб <Enter> тугмасини босинг. Очилган **Gradient Picker** (Градиент танлаш) ойнасида андозадаги градиентлар тўпламидан биринчи градиентни (**Foreground to Background**) танланг. Сичқонча билан белгиланган соҳанинг чап юқори бурчагидан ўнг қуйи бурчагига диагональ чизик тортинг.



**2-қадам.** Яратилган градиент тепасидан тим булутлар филтрини қўллаш учун **Filter > Render** (Филтр > Ўхшатиш) менюсидан **Difference Clouds** (Фарқли булутлар) филтрини танланг. Булутлар ранглари ўрнини алмаштириш учун <Ctrl+I> тугмалари бирикмаларини босинг. Агар ҳосил қилинган тасвир сизга ёқмаган бўлса, токи мос тушадиган фонни олгунингизча келтирилган амалларни қайта бажаринг.




**3-қадам.** Чақмоқ тасвири янада табиийроқ чиқиши учун **Layers** (Қатламлар) мажмуасига ўтиб қўшиш режимини **Screen** (Ёритиш) га алмаштинг. **Levels** (Даражалар) мулоқот ойнасини очиш учун <Ctrl+L> тугмалари мажмуасини босинг. Юқори марказдаги **Input Levels** (Кириш даражалари) ползуноқини (бу яримтуслар ползуноқи) ўнгга силжитинг. Ползуноқ ўнг чегара вазиятига яқинлашганда чақмоқ тасвири пайдо бўлади.




## 20-ДАРС. БОСМА НАҚШ ЭФФЕКТИ.

**1-қадам.** Янги хужжат яратинг, асосий ранг сифатида сарғиш-жигаррангни танлаб, <Alt+Backspace> ёрдамида фонга «куйинг». Асосий қилиб кулрангни танланг (кулранг тўғри келади, чунки ранг унчалик аҳамият касб этмайди). **Type** (Ёзув) аслаҳаси ёрдамида кўлёма шаклидаги бирорта шрифт ёрдамида бош ҳарф киритинг (бунда биз Monotype Corsiva шрифти билан катта «В» ҳарфини ёздик).



**2-қадам.** **Layers** (Қатламлар) мажмуасининг куйисидаги **Add a layer style** (Қатлам стилини кўшиш) нинг очилувчи менюсидан **Bevel and Emboss** (Нишаб ва Бўртма) буйруғини танланг. Очилган мулоқот ойнасининг пастидаги **Highlight Mode** (Ёритиш режими) параметрининг **Opacity** (Нур ўтказмаслик) ползуноқини 100% гача силжитинг. **Shadow Mode** (Соялантириш режими) параметрининг **Opacity** (Нур ўтказмаслик) ползуноқига 50% қийматини беринг. Ёзувга ушбу эффектни бериш учун **OK** тугмасини босинг.



**3-қадам.** **Layers** (Қатламлар) мажмуасига ўтинг ва **Opacity** (Нур ўтказмаслик) параметри қийматини 75% гача камайтиринг. **Opacity** параметрининг пастидан **Fill** (Тўлдириш) параметри қийматини ўрнатиш ойнасини топинг. **Fill** параметри қийматини 0% гача камайтиринг бунда, **Bevel and Emboss** (Нишаб ва Бўртма) эффекти сақланган ҳолда ёзув ичидаги кулранг бутунлай ўчиб, матннинг босма нақш эффекти ҳосил бўлади.

